
ИШЧИ ГУРУҲИ БУВАЙДАДА

Айни кунларда Олий Мажлис Сенати ишчи гуруҳи жойларга чиқиб, халқнинг ҳақиқий аҳволини ўрганиб, таҳлил қилмоқдалар.

Бугун улар туманимизга ташриф буюрдилар.

Олий Мажлис Сенати комиссияси раиси Толибжон Мадумаров, сенатор Энахон Сиддиқовалар дастлаб маҳаллалар, халқ таълими, мактабгача таълим, тиббиёт ходимлари билан учрашиб, дафтарлар бўйича қилинган ишларининг ҳисоботини эшитишди.

Шундан сўнг “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари” бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганишди.

Сенаторлар ҳудудларга чиқиб “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, ва “Ёшлар дафтари” бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганиб, ушбу дафтарга киритилган фуқаролар билан учрашишди. Уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

2021-04-22 08:54:39